Нега билганимизга амал қилмаймиз?

05:00 / 01.03.2017 4972

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: “Эй, имон келтирганлар! Сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қилдик ёки қиламиз деб) айтурсиз?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз, деб) айтишингиз Аллоҳ наздида катта нафрат (боиси)дир” (Саф, 2-3).

Оятда кўриниб турибдики, илмга амал қилмаслик Аллоҳнинг нафратига сабаб бўлар экан. Илмга амал қилмаслик, айтганларини аввал ўзи бажармаслик катта гуноҳ, ор ва шармандаликдир.

Илмга амал қилмасликнинг бир қанча сабаблари бор. Қуйида уларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

1. Амал қилишга ундайдиган етарли даражада илм бўлмаслиги.

Қуръони карим амал қилиш учун нозил қилинган. Саҳобалар илмни амал қилиш учун ўрганар эдилар. Ушбу ҳадисларга диққатимизни қаратсак, ҳаммаси ойдинлашади.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар, у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дедилар: “Менга бир дуо ўргатинг, у билан намозимда дуо қилай”. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: “Эй Аллоҳим, мен ўз нафсимга катта, Қутайба “кўп” деган, зулм қилдим. Гуноҳларни фақатгина Сен мағфират этасан. Ҳузурингдаги мағфират ила мени кечиргин ва менга раҳим қилгин. Албатта, Сен гуноҳларни кўплаб кечирувчи ҳамда ўта раҳимли Зотсан” деб айт” дедилар”. Муслим ривояти.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши дедилар: “Мен Набий алайҳиссаломдан “Эй Аллоҳнинг Расули, бандани жаннатга яқинлаштирувчи амал қайси?” деб сўрадим. У зот: “Ўз вақтида ўқилган намоз” дедилар. Мен: “Кейинчи, эй Аллоҳнинг Расули?” дедим. У зот: “Ота-онага яхшилик қилиш” дедилар. Мен: “Яна нима, эй Аллоҳнинг Расули?” дедим. У зот: “Аллоҳ йўлида жиҳод” деб жавоб бердилар”. Муслим ривояти.

Бу ҳадисларга яхшилаб эътибор берсак, барча саҳобаларнинг Пайғамбар алайҳиссаломдан амал қилиш мақсадидагина савол сўраганларига гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, барчамиз илмни фақатгина унга амал қилиш мақсадидагина ўрганишимиз кераклигини тушуниб олишимиз лозим. Қуръонни ҳам унга амал қилиш мақсадида ўқишимиз керак. Зеро, ундаги буйруқ ва қайтариқлар бизга қарата айтилган, биздан бошқаларга эмас. Қолаверса, билганига, ўқиганига амал қилиш кишида яхшиликни ва сабот (мустаҳкамлик, пухталик)ни зиёда қилади. Аллоҳ таоло Ўзининг Каломида шундай марҳамат қилади: “Борди-ю, улар айтилган насиҳатларга мувофиқ иш қилганларида эди, ўзлари учун яхшироқ ва (имонлари) мустаҳкамроқ бўлур эди” (Нисо, 66). Демак, амал инсоннинг иймонини, илмини мустаҳкамлар экан.

2. Тарбиянинг заифлиги.

Мусулмон болага уйда, мактаб-мадрасада ва жамиятнинг бошқа барча манзилларида заиф тарбия берилса, бу ҳам амал қилишнинг сусайишига сабаб бўлади. Баъзи хонадонларда солиҳ ота-она фарзандига чиройли тарбия беради, илмга амал қилишда, аввало, ўзлари намуна бўлишади. Айрим хонадонларда эса, вазият умуман ночор. Мактаб-мадрасалар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Баъзи мадрасаларда таълим бераётган мударрису устозлар ўқувиларга ўргатаётган нарсаларига олдин ўзлари амал қилишади. Буни кўрган талабалар ҳам уларнинг изида боришади. Айримларида эса, аҳвол анча ачинарли.

3. Амалга бериладиган ажру мукофотларни билмаслик ҳам унга нисбатан сусткашликни келтириб чиқаради.

Нима учун Аллоҳ таоло бизга ажрларни маълум қилди? Албатта, амал қилсинлар деб. Борди-ю сизга бир киши “Агар мана бу ишни қилсанг, лавозимингни ошириб, даражангни кўтараман” деса, сиз ўша ишни қилишга дарҳол киришиб кетган бўлар эдингиз. Ҳадисларда амалларга бериладиган ажрлар кўплаб келган бўлиб, улар бизни амал қилишга қизиқтиради. Абдураҳмон ибн Абу Амрадан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: “Бир куни Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу шом намозидан кейин масжидга кириб, бир ўзлари ўтирган эдилар. Мен ҳам у кишининг олдиларига бориб, ўтирдим. Шунда у киши дедилар: “Эй

биродаримнинг ўғли, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай деганларини эшитганман: “Ким хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, гўё кечанинг ярмини ибодат билан ўтказгандек савобга эга бўлади. Кимки бомдодни жамоат билан ўқиса, кечанинг ҳаммасини ибодат билан ўтказганнинг савобига эришади”. Яна шундай амаллар ҳам борки, уларни қилган кишининг ўтган гуноҳлари кечирилади. Усмон розияллоҳу анҳунинг мавлолари Ҳумрондан ривоят қилинади, у киши Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг бир идишда сув келтиришларини сўраганини, сув келгач, икки кафтига сувни уч бор қуйиб уларни ювганини, кейин ўнг қўлини идишга киритиб, ундан сув олиб, у билан оғиз-бурунларини ювганини, кейин юзини уч бор, икки қўлини тирсаклари билан қўшиб уч бордан ювганини, кейин бошига масҳ тортганини, охирида эса, икки оёғини уч бордан ювганини, таҳоратдан сўнг “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Кимки менинг мана шу таҳоратимдек таҳорат олса, кейин икки ракат намоз ўқиса, унда нафси ила гаплашмаса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади” деганларини кўрган. Бухорий ривояти. Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: “Ким таом еб бўлгач: “Ўзимнинг ҳеч қандай ҳаракатим ва қувватимсиз менга ушбу таомни едирган ва у билан мени ризқлантирган Аллоҳга ҳамд бўлсин” деса, ўтган гуноҳлари кечирилади”. Термизий ривоят қилган ва “Бу ҳадис ҳасан” деган.

4. Мустаҳаб ва нафл ибодатларга қизиқмасдан, фақатгина фарз ва вожиблар билан чекланавериш амалнинг сусайишига сабаб бўлади.

Нима мустаҳабларда ажр йўқми? Сизга қўшимча ажр керак эмасми? Нега бизнинг ҳаётмизда суннату мустаҳабларнинг мартабаси пасайиб боряпти? Баъзи толиби илмлар, янги ибодатга кирган ёшлар бошида динга, ибодатларга ҳарис бўлишади. Катта-ю кичик амалларнинг барчасини қилишга ҳаракат қилишади. Ичимликни суннатга мувофиқ ўтириб ичишади, намозда сутрага жиддий эътибор беришади. Кейинчалик эса, бу каби нарсаларга нисбатан сусткашлик пайдо бўлади. Улардан бунинг сабабини сўрасангиз, бундан ҳам муҳим амаллар, фарз ва вожиботлар борлигини айтишади. Тўғри, фарз ва вожиб амаллар биринчи галда қилиниши лозим. Аммо, улардан кейинги ўринда турадиган суннат ва мустаҳабларни қилиб, уларнинг савобидан баҳраманд бўлишга ҳиммат йўқми? Нима учун суннатларга бепарволик кучайиб боряпти? Суннатни ўрганиб, уни ҳаётга татбиқ этишга ҳарис бўлган саҳобалардан ўрнак олиш қаерларга кетиб қолди?

Зиёд ибн Жубайрдан ривоят қилинади: “Ибн Умар розияллоҳу анҳу бир кишининг олдига борганларини кўрдим. У одам туясини сўйиш учун чўктирган эди. Ибн Умар унга: “Туянгни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига биноан тик турғизиб, боғланган ҳолда сўй” дедилар”. Бухорий ривояти.

Саҳобалар суннатга бутун умр вафо қилиб яшашган. Қуйидаги ривоят сўзимизга ёрқин далил бўлади.

Абу Рофеъдан ривоят қилинади: “Мен Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу билан хуфтон намозини ўқидим. У киши “Изас самааун шаққот” сурасини ўқидилар ва унда сажда қилдилар. Мен у кишидан: “Бу қандай сажда?” деб сўрадим. У киши: “Мен Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларида шу сурада сажда қилган эдим. Шундан бери то у зотга йўлиққунимча сажда қилавераман” дедилар”. Бухорий ривояти.

5. Муҳитнинг таъсири.

Инсон илмга кам амал қилинадиган муҳитда яшаса, атрофидагилар амал қилиш билан эмас, балки, ўрганган илмлари устида баҳсу мунозара қилиш, уни фақатгина ривоят қилиш билан вақтларини ўтказадиган бўлсалар, бу жамиятда яшайдиган киши ҳам шулардан таъсирланмай иложи йўқ. Бугунги фитна, фаҳш ва гуноҳлар бемалол содир этиладиган замонда илмга амал қилиш борасида барчага намуна бўладиган етакчининг ўрни каттадир. Акс ҳолда инсон номақбул муҳитнинг таъсиридан қутулиши жуда-жуда қийин бўлади.

Аллоҳ таоло Сабаъ маликаси Билқис ҳақида шундай марҳамат қилади: “Уни эса Аллоҳни қўйиб ибодат қилган нарсаси (мусулмон бўлишдан) тўсгандир. Чунки у кофирлар қавмидан эди” (Намл, 43).

Билқисни Аллоҳга ибодат қилишдан нима тўсди? Ибодат қиладиган бут-санамлари, сиғинадиган қуёши. Нима учун ўша қуёш уни Аллоҳдан тўсиб қўйди? Чунки, Билқис кофирлар қавмидан эди. Уларнинг орасида яшарди. Шунинг учун у ҳам кофир, мушрик бўлди. Ақлли, фаросатли бўлишига қарамасдан ўзи яшаб, раҳбарлик қилиб турган халқ ва муҳит таъсирига тушиб қолди. Сулаймон алайҳиссаломнинг олдиларига келгандагина исломни қабул қилди.

6. Илмни ҳаётга татбиқ қилиш, унга амал қилишда воқеликдан узоқлашиб кетиш.

Толиби илм худди ўлжасига ташланган шердек ибодатларга ўзини уради. Фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб ва бошқа барча амалларни қилишга ўта иштиёқманд ва ҳарис бўлади. Тоқат қилиб бўлмайдиган даражада кўп амал қилади. Вазият шу даражага етадики, бир оғирроқ амални қилишга тўғри келиб қолганда, ўзини қийнаб қўяди. Мана шунда ибодатнинг савобларини кетказиб қўювчи малоллик, ёқтирмаслик каби ноқулай ҳолатлар вужудга келади. Охирида у йигит қилиниши зарур бўлган ибодатлардан ҳам узилиб қолади.

Абу Аббосдан ривоят қилинади, у киши дедилар: “Мен Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳунинг шундай деганларини эшитганман: “Менга бир куни Набий алайҳиссалом: “Эшитишимча, сен кечалари ухламай ибодат қилиб, кундузлари доим рўза тутар эмишсан?” дедилар. Мен: “Ҳа, Аллоҳнинг Расули, шундай қиламан” дедим. Шунда у зот: “Агар сен шу тарзда ибодат қилаверсанг, кўзинг толиқиб, нафсинг чарчаб қолади. Зеро, нафсингни сенда ҳақи бор, аҳлингни ҳам ҳақи бор. Шундай экан, рўза тут, оғзинг очиқ ҳам бўлсин, кечаси ибодат ҳам қилгин, ухлагин ҳам” дедилар”. Бухорий ривояти. Бу ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом умматларини ибодатда иқтисодли бўлишга ундамоқдалар. Токи нафс малолланиб қолиб, ибодатларнинг савоби кетиб қолмасин.

7. Охират, жаннат, дўзах, ҳисоб-китоб, мезон ва бошқа нарсаларга бўлган иймонимиз заифлигидан амалларга сустлик қиламиз.

Шунинг учун ҳам гоҳида Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг барча молларини садақа қилганларига, Ҳазрати Умарнинг мол-дунёларининг ярмини садақа қилганларига ҳайрон бўлиб, ишонқирамай қараймиз. Уларни ақлимиз лол қоладиган даражада бу каби садақалар қилиб, динга жонларини фидо этишларига сабаб нима? Албатта, сабаб уларнинг қалбларидаги жаннат, дўзах, ҳисоб-китоб ва бошқа Аллоҳ тақводорлар учун тайёрлаб қўйган мукофотларга кучли иймон келтирганларидир. Бизда ҳам шу каби нарсаларга бўлган иймонимиз мустаҳкам ва кучли бўлса, амалимиз ҳам шунга яраша бўлади.

8. Қуръон ва Суннатга заиф боғланиш ҳам илмга амал қилишни сусайтиради.

Нима учун Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо Умму Айман розияллоҳу анҳони зиёрат қилгани боришганда у киши йиғладилар? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёда боқий қолишларини истаганларидан йиғладилар. Тўғри, у киши Аллоҳнинг ҳузурида Пайғамбар алайҳиссаломга тайёрлаб қўйилган мукофотларни билардилар, лекин у зот (с.а.в.)нинг вафотлари билан ваҳий тўхтаб қолган эди. Шунга йиғладилар. Бу Қуръон ва Суннатга боғланишнинг ёрқин намунасидир.

9. Орзуларнинг кўплиги ва узунлиги ҳам амалнинг камайишига таъсир кўрсатади.

Аллоҳ таоло узундан-узун орзу қилувчилар ҳақида шундай дейди: “Албатта, Биз билан мулоқотда бўлишни кутмай, дунё ҳаёти билан қаноатланган ва у билан (дили) таскин топганлар ҳамда оятларимиздан ғофил бўлган (кофир)лар, ана ўшаларнинг жойлари – қилмишлари туфайли – дўзахдир” (Юнус, 8).

“Эҳ, қанийди...”, “Кошки эди...” деган сўзлар билан вақтларимиз беҳуда совурилиб, амал қилишга бепарво бўлиб қоляпмиз. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Бир ишга машғул бўлишингдан аввал бўшлигингни ғанимат бил”, бошқа бир ҳадисда эса: “Амалларга шошилинглар!” деганлар.

10. Шайтон бизларни амал қилишдан тўхтатишга жуда ҳарисдир.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Икки хислат бор. Қайси бир мусулмон банда ўша ишларни доимо қилиб юрса, жаннатга киради. У иккисини қилиш осон, аммо қиладиганлар кам. Биринчиси: ҳар намоздан кейин ўн марта тасбеҳ, ўн марта таҳмид, ўн марта такбир айса, тилда 150 та, тарозуда 500 та бўлади; иккинчиси: уйқусига ётаётганда 34 марта такбир, 33 марта таҳмид, 33 марта тасбеҳ айтса, тилда 100 та, тарозуда эса, 1000 та бўлади” дедилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўша зикрларни қўллари билан санаб бажараётганларини кўрдим. Саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг Расули, қандай қилиб у иккисини қилиш

осон-у, қиладиганлар кам?” деб сўрашди. Шунда у зот: “Тўшакка ётганингизда шайтон келиб, уларни айтмасингиздан олдин ухлатиб қўяди. Намозда ҳам келадида, ўша зикрларни айтишингиздан олдин бир ҳожатингизни эслатади. Натижада зикрларни эсингиздан чиқарасиз” дедилар”. Абу Довуд ривояти.

Муолажа йўллари

1. Илмнинг қимматли нарса эканлигини ҳис этиш.

Ўтган уламолар илмни улкан хазина деб билишар эди. Шунинг учун ҳам унинг қадрига етиб, илмни амал қилиш билан мустаҳкамлар эдилар. Биз эса бугунги кунда кўп илм оламиз. Хоҳ дунёвий илм бўлсин, хоҳ диний илм бўлсин, ҳаммасини эгаллаймиз. Аммо амал қилишга келганда эса дангасаликка, сусткашликка йўл қўямиз. Чунки биз улкан хазинани қўлга киритганимизни тушуниб етмаймиз. Хазина дейилса бизнинг хаёлимизга фақат олтину кумушларга лиқ тўла сандиқ ёки кўза келади.

2. Ўтган уламоларнинг ояту ҳадисларга қанчалик амал қилганларини тафаккур қилиш ҳам кишида ҳимматни уйғотиб, амал қилишга ундайди.

Марвазий айтади: “Менга Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтган эди: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор ҳадисни эшитадиган бўлсам, уни китобимга ёзишдан аввал ўзим амал қилардим. Бир куни “Набий алайҳиссалом қон олдирдилар ва Абу Тийбага бир динор бердилар” деган ҳадисни эшитиб қолдим. Уни китобимга ёзишдан аввал ўзим ҳам бир динорга қон олдирдим” дедилар”.

3. Уйда ота-оналар фарзандларига, мактаб-мадрасаларда, олийгоҳларда устозлар шогирдларига илмга амал қилишни ўргатишлари, бу борада ўзлари намуна бўлишлари лозим ва лобуддир.

Бировга яхшиликни, одоб-ахлоқни ўргатаётган инсон, аввало, ўзи амал қилиб, кейин уни бошқаларга ўргатмаса, унинг барча ҳаракатлари бефойда кетади. Ўзи амал қилмайдиган кишининг сўзида таъсир бўлмайди. Ўша одамнинг ўзи амал қилмаслигини бошқалар билиши шарт

эмас. Барибир таъсири сезилмай қолаверади. Шунинг учун устоз шогирдларига сўз билан ҳам, амал билан ҳам ибрат бўлиши матлубдир.

4. Аллоҳдан илм билан бирга амални ҳам беришини сўрашимиз лозим.

Абу Бакр ибн Арабий айтади: “Мен ҳижрий 489 йили Маккада турдим. Шу пайтда замзам сувидан тўйиб-тўйиб ичдим. Ҳар сафар ичаётганимда илм ва иймонни зиёда қилишини ният қилиб ичдим. Унинг баракаси билан Аллоҳ менга илм эшикларини очиб қўйди. Замзамни амал нияти билан ичишни унутибман. Эҳ, қанийди ўшанда илм ва амални ният қилиб ичганимда эди, Аллоҳ илм билан бирга амални ҳам берган бўлармиди. Мен илмдан ҳам кўпроқ амални танлайман”.

Аллоҳдан фойдали илм беришини ва ўша илмга қўшиб амал қилиш неъматини ҳам ато этишини сўраймиз.

Нозимжон Ҳошимжон